



Ислом Нури

2208 марта кўрилган

Барча ҳамду сано Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Ҳурматли биродарлар, сизларга бугун кўпчилик мусулмонларни ташвишга солувчи катта бир гуноҳ тўғрисида маълумот берамиз, иншааллоҳ. Сарлавҳадан маълум бўлиб турган бу гуноҳ мусулмонларнинг ҳолатларини бу дунёда ҳам, охиратда ҳам оғирлаштириб қўяди. Бу дунёда иймонларини кучсизлантириб, гуноҳларга журъатли килиб қўйса, охиратда қандай ҳолатга олиб бориши мавзумизда баён қилинади. Аллоҳ таолодан офият сўраймиз!

Бухорий Самура ибн Жундуб розияллоҳу анхудан ривоят қилади: **“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлгач бизга юзланиб: “Бу кеча орангизда ким туш кўрди?” деб сўрар, бирор киши кўрган тушини ҳикоя қилса, “Мошооллоҳ”, деб қўяр эдилар. Кунлардан бирида: “Сизлардан бирор киши туш кўрдими?” деб сўрадилар. Биз: “Йўқ”, дедик. Шунда ўзлари бундай дея гап бошладилар: “Мен ўтган кеча тушимда икки кишини кўрдим. Улар келиб, қўлимдан олиб, мени муқаддас ерга олиб чиқишди...”**

«... ..»
... ..»



Ислом Нури

...:
... .. :
... .. :
... ..
1387 : «...»

Шунда йўл юриб, чалқанчасига ётган бир кишининг ёнига келдик. Бу киши чалқанчасига ерда ётган бўлса, яна бир киши унинг бош тарафида (кафтни тўлдирадиган) бир тош билан унинг бошини уриб, пачоқлаб турибди. Ҳар қачон уни урганида тош думалаб кетади. Бориб тошни олиб келгунича ётган кимсанинг боши тузалиб, яна ўз ҳолига қайтади. Урувчи тошни келтирганидан сўнг яна уради. “Бу ким?” деб сўрадим. Улар: “Юринг, кетамиз” дейишди... Охирида уларга айтдим: “Бу кечада мени айлантириб сайр қилдирдингиз. Энди кўрган нарсаларимнинг хабарини менга баён қилинг!” Улар: “Хўп”, дейишди. “...Сиз кўрган боши пачоқланаётган киши шундай кимсаки, Аллоҳ унга Қуръонни таълим берган. У эса, кечқурунлари Қуръонни четга суриб ухлаган, кундузи унга амал ҳам қилмаган. У қиёмат кунигача шу ҳолатда азобланади... Мен Жибрил, бу Микоил бўлади...”, дейишди”. (Ҳадис қисқартириб олинди).

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ мазкур ҳадис шарҳида Ибн Ҳубайра раҳимаҳуллоҳнинг қуйидаги гапларини нақл қилади: “Қуръонни ёд олиш, кейин уни четга улоқтириш улкан жиноятдир. Чунки бундай қилувчи кимса Қуръонни четга суриб қўйиш жоиз деб ўйлаган бўлади. Энг шарафли нарса бўлмиш Қуръонни тарк этгани учун энг шарафли аъзоси бўлган боши билан азобланади”. Ҳадиснинг зоҳиридан маълум бўладигани, кечаси Қуръон қироатини тарк этган киши азобга



Ислom Нури

тортилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна айтадилар:

«Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳдир. Қуръоннинг ҳар бир сўзи ва ҳар бир ҳарфи Аллоҳнинг ҳикмати билан берилган. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳдир. Қуръоннинг ҳар бир сўзи ва ҳар бир ҳарфи Аллоҳнинг ҳикмати билан берилган.»

Маъноси: “Умматимнинг гуноҳлари менга кўрсатилди. Бир кишига Қуръондан бир сура ёки бир оят ато қилинганидан кейин уни эсдан чиқариб юборишидан кўра каттарoқ гуноҳ кўрмадим”.

Қуртубий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Қуръоннинг ҳаммасини ёки баъзисини ёдлагандан кейин уни унутиш катта гуноҳдир. Ҳофизи Қуръоннинг мартабаси олий бўлади. Мана шу мартабани то ундан Қуръон кўтарилгунича бепарволик билан ташлаб қўйса, азобланишга лойиқ бўлиб қолади. Чунки Қуръонни бардавом ўқиб, ёдда сақлашни тарк этиш жаҳолатга олиб боради. Илмдан сўнг жаҳолатга қайтиш оғир гуноҳдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида **“Қуръон ато қилинганидан кейин”** дедилар, **“ёдлаганидан кейин”** демадилар. Бунинг сабаби шуки, Аллоҳ у қорига Қуръонни улуғ неъмат ўларoқ ато этганини ва у учун Раббисига шукр қилиши лозимлигини эслатишдир. Қори эса бундай улуғ неъматга онкўрлик қилди. Бу ҳадисдан маълум бўладики, Қуръоннинг гарчи озгинасини бўлса ҳам унутиш катта гуноҳдир. Аллоҳ таолодан тавфиқ сўраймиз!

Азиз биродарлар, бир кун келиб одамлар бу Қуръондан маҳрум бўлиб қоладилар. Қаранг, Абдуллоҳ бин Масъуд розияллоҳу анҳу нима дейди:



Ислом Нури

Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ.

Маъноси: **“Қуръон кўтарилишидан олдин уни кўп тиловат қилиб қолинглар”**. У кишидан: **“Бу мусхафлар кўтарилса, кишилар қалбларидаги ёдлаган Қуръонларига не бўлади?”** деб сўралганида, у киши бундай деди: **“Уларга бир тун келади. Тонг оттирганларида Қуръондан маҳрум бўлиб қолишади (яъни Қуръон уларнинг қалбларидан ҳам ўчиб кетади). Улар “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ) калимасини ҳам унутиб юборишади. Кейин жоҳилият сўзлари ва шеърларига берилиб кетишади. Бу ҳолат одамларга сўз (азоб) келганида содир бўлади”** (Имом Қуртубий нақл қилган).

Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ.

Абдураҳмон ибн Абу Лайло раҳимаҳуллоҳ бомдод намозини ўқиб бўлгач қуёш чиққунга қадар Қуръон ўқир, **“Собит разияллоҳу анҳу шундай қилар эди”**, деб айтар эди.

Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ. Қуръонни эсдан чиқариш катта гуноҳ.

Ибн Умар айтади: **“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “Шубҳасиз бу қалблар темир занглагани каби занглайди”**. **“Ё Расулulloҳ, уни нима жилвалантиради?”**



Ислом Нури

дейилганида, у зот: **“Қуръон тиловати”**, деб жавоб бердилар.

Аллоҳ таоло барчаимизни ҳидоят узра собитқадам қилсин!